

ГИЁХВАНДЛИК - АСР ВАБОСИ**Курамбаев Тохир Хосинбаевич****Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Тергов фаолияти
кафедраси ўқитувчиси****Пўлатов Нодирбек Бахтиёр ўғли****319-гуруҳ курсанти****<https://doi.org/10.5281/zenodo.8042018>**

Инсон ҳаётда яшар экан, яхшиликка интилиб, ёмонликдан қайтиб яшашга ҳаракат қилади. Лекин “яхшилик” ва “ёмонлик” тушунчаларига ҳар ким ҳар хил таъриф беради. Ҳаёт эзгулик билан гўзал. Аммо баъзан эзгуликка ёвузлик кўланка солади. “Аср вабоси” номини олган гиёҳвандлик инсоннинг осуда ҳаётига раҳна солиб, онгини ўзига бўйсундирувчи захри қотилдир. Бу шундай қуролки, ўз домига илинтирган одамни разолат дунёсига етаклайди ва бу жараёнда инсон жамиятдаги ўрнини йўқота бошлаганини англамай қолади.

Гиёҳвандлик – ХХИ асрнинг глобал муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Ўрта асрларда инсоният ҳаётига жиддий хавф солган вабо ва ўлат каби офатлар, бугунги цивилизация замонида келиб ўз ўрнини гиёҳвандлик иллатига бўшатиб берди, десак асло муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, қанчалик қийин бўлмасин, биз ёшлар тарбияси бўйича ўзимизга хос ва таъсирчан, бугунги кунга ҳамоҳанг усулларни излаб топишимиз керак. Жондан азиз фарзандларимизни бузғунчи ва зарарли ғоялар, жиноятчилик, гиёҳвандлик, лоқайдлик, маънавий қашшоқлик кайфиятидан асрашимиз зарур. Соғлом турмуш тарзини олиб бораётган киши билиб-билмай бу кўчага кириб қолса, ўзининг тинч, фаровон ва бахтли ҳаётини қора зулматга айлантириши айтиш ҳақиқат. Гиёҳванд киши нафақат ўзига, балки яқинларига ҳам тўхтовсиз азоб беради. [1]

Ундан туғилажак фарзандлар эса ота-онасининг хатоси оқибатида бир умрга мажруҳлик қисматига мубтало бўладилар. Зеро, фақат соғлом ота-онадангина соғлом зурриёд дунёга келади.

Соғлом бола эса фаровон келажак демакдир. Баъзан гиёҳвандлик қурбонига айланиб қолган инсонларнинг қисматини кўриб, уларга нисбатан нафрат, қаҳр ва раҳм туйғуларининг уйғониши табиий.

Уларнинг қуриётган дарахт мисол умри эвазига айрим қора ниятли ёвуз кимсаларнинг ҳамёни тўлмоқда. Қиёфаси одам, қилмиши зулм бўлганларнинг қора оғуни вояга етмаган ёшлар орасида тарқатиб, уни истеъмол қилишга тарғиб қилаётганига жим қараб туриб бўлмайди, албатта.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади. [2]

Давлатимизнинг оқилона сиёсати фуқаролар жамиятининг ҳар томонлама комил, соғлом, олийжаноб фазилатлари, юксак тафаккури ва маънавияти, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган намунали жамият бўлишига қаратилган. Мана шу

халқчил сиёсатга асосланган давлатимиз барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали дунёда “аср вабоси” деб ном олган гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида баралла айтилмоқда ва кенг тушунтирилмоқда.

Дунёқараши эндигина шаклланиб бораётган, бор куч-ғайратини фақат билим олишга, изланишга, ҳунар ўрганишга сарфлаши керак бўлган бир пайтда, ўсмирларни алдов йўли билан гиёҳвандлик қурбонига айлантираётган кимсалар озми? Қанчадан-қанча оилаларнинг ёстиғини қуритаётган гиёҳвандликка қарши ҳар бир инсон ўзи курашмоғи, ташқи таъсирлардан ҳимояланмоғи лозим.

Соғлом авлод ўтмиши қадим, тупроғи олтин, осмони мусаффо Ўзбекистоннинг келажак ворисларидир. Уларни мана шундай соғлом муҳитда, эзгу тушунчаларни юракларига жойлаб вояга етказайликки, ҳеч қанақа ташқи салбий хуружлар ва қора иллатлар ўпқони уларни ўзига жалб қила олмасин.

Гиёҳвандлик кўчасига кириб қолиш кишиларда турли хилда кечади. Баъзилар тўқликка шўхлик қилса, бошқалар ўзи билмаган ҳолда алдовлар натижасида унинг қурбонига айланади. Ушбу иллатга ружу қўйганларнинг, айниқса, ёшларнинг бу ажал гирдобига тушиб қолишида кўпинча оиладаги муҳит ёки беэтиборлик сабаб бўлади. Ёшларнинг бўш вақтини бекор ўтказиши, ота-оналарнинг фарзандини ҳаддан ташқари эркалатиши ва улар тарбиясига бепарволиги юқорида келтирилган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Фарзанднинг соғ-саломат дунёга келиши, униб-ўсиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, энг аввало, оила бошлиқларига боғлиқ. Бу борада меҳрибон ота-оналар зиммасига катта масъулият юкланади. Демак, “Аср вабоси” деб аталувчи гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашишга фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки жамиятдаги ҳар бир инсон масъул.

Мақсад эса, дунёни гиёҳвандлик балосидан сақлаш, инсоният саломатлигини асрашдир. Гиёҳвандлик - инсон маънавиятига зид бўлган, унинг ижтимоий-руҳий ҳолатини буткул издан чиқарадиган ғоят хатарли иллат, бедаво хасталик.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ўртача йигирма беш йил умр кўришлиги, гиёҳванд фақатгина ўз соғлигини йўқотмай, балки ўз хатти ҳаракатларини ҳам назорат қила олмаслиги, у нафақат бир шахсни, балки бутун бир халқни, миллатни йўқ қилиб юборишга қодирлиги ва гиёҳвандлар асосан 16 ёшдан 35 ёшгача бўлиб аксарияти ўзига тўқ оилалардан бўлиб, гиёҳвандлик ижтимоий хавфга ҳам эга. [3]

Жиноятчиликка қарши курашишга тегишли энг ўткир ва долзарб муаммолардан бири гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш муаммосидир. Бугунги кунда гиёҳвандлик ер шари аҳолисининг истисносиз барча қатламларини ўз домига тортиб олди десак, муболаға бўлмаса керак.

Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё давлатлари ҳақли равишда гиёҳвандлик энг авж олган “марказлар” ҳисобланади. БМТ маълумотларига кўра, опиум хом ашёсининг учдан икки қисми Таиланд, Бирма ва Лаосга тўғри келмоқда. Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам гиёҳванд моддалар хом ашёсининг тарқатилишида катта улушга эга. Ўтган асрнинг 1980-йиллари охиридан бошлаб, ушбу соҳага оид жиноятлар сонининг кўпайиши

собиқ СССР, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам қайд қилина бошланди.
[4]

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди гиёҳвандлик воситаларини Россия Федерациясига ва Ғарбий Европа мамлакатларига етказиб бериш учун транзит ҳудуд ҳисобланади.

Инсоният анчадан бери гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишнинг самаралироқ ижтимоий, сиёсий, тиббий ва ҳуқуқий усуллари топишга уриниб келмоқда.

Аксарият мамлакатларда гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний тайёрланиши ва истеъмол қилинишининг тез суръатларда кўпайиб бораётгани сўнгги ўн йилликлардаги энг хавфли тенденциялардан биттасидир. Гиёҳвандлик моддаларининг бутун дунё бўйлаб ноқонуний тарзда тарқатилаётган умумий ҳажмидан 10-15 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқланмоқда холос. [5]

Гиёҳвандликка боғлиқ вазиятнинг оғирлашиб бораётгани барча мамлакатларнинг аксарияти – 158 та давлатни (дунё мамлакатларининг 80 фоизи) наркотикларни назорат қилиш бўйича халқаро конвенцияларга бирлашишга ундади.

Гиёҳванд моддалар савдоси муаммоси ирқий, жинси, диний ва миллий чегараларини билмайди. Гиёҳванд моддалар савдоси ва у билан боғлиқ бошқа уюшган жиноятчилик турлари ўртасида барқарор боғлиқлик мавжуд. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда гиёҳвандлик глобал ижтимоий муаммо характерини касб етмоқда. Одамлар саломатлиги ва фаровонлигига етказилган зарар, жамият ва давлат ҳаётининг иқтисодий, маданий ва сиёсий асосларига салбий таъсир кўрсатиши халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни, халқаро-ҳуқуқий чораларни кўришни талаб қилади. Гиёҳванд моддалар савдоси ва гиёҳванд моддалар савдоси билан боғлиқ уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ерда ўзаро ҳамкорлик ва халқаро ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши билан ушбу соҳадаги ҳамкорлик ҳам ўзгариб бормоқда ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Худди шу нарса жиноят ишларини юритиш, шу жумладан жиноятчиларни қидириш, ҳужжатларни тақдим этиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, ашёвий далилларни йиғиш ва бошқа тергов ҳаракатлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ҳам содир бўлади.

Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига самарали қарши курашишни ташкил қилиш муаммоси мамлакатда криминоген вазиятни барқарорлаштириш жараёнида объектив тарзда муҳим ўрин эгаллайди. Давлатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жамият бошидан кечираётган қийинчиликлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашишнинг янада мукамал ва таъсирчан тизимини яратишни талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасини аниқлаш бўйича аниқроқ ишларни ташкил этишни талаб этади.

References:

1. <https://staff.tiame.uz/storage/users/422/books/NRUbNadeCLxIFSdtMliWlVliIriLZbs3e6WkOW6m.pdf>;
2. <https://yuz.uz/news/dunyoda-500-milliondan-ortiq-odam-giyohvandlik-dardiga-yoliqqan>;
3. https://t.me/s/Buxoriy_uz?after=3328;
4. https://www.facebook.com/groups/784248768448623/?locale=es_LA;
5. https://www.undp.org/sites/g/files/zskgke326/files/migration/uz/un_uzb_gender_book_uzb.pdf.